

SmartOne

фойдаланувчиси учун йўриқнома


Мундарижа

1. “Smartone” иловаси билан танишув. Иш схемаси
2. Ишнинг бошланиши. Тизимдан рўйхатдан ўтиш ва унга кириш
3. Маълумотномалар. Маълумотларни киритиш
 - 3.1. Ассортимент
 - 3.2. Кассирлар
4. Касса сменалари
5. Сотувлар
 - 5.1. Ҳисобни яратиш
 - 5.2. Тўлов
 - 5.3. Ҳисоблар реестри
6. Қайтарув ҳужжатларини расмийлаштириш
7. Инкасациялар ва киритмалар
8. Дастурда ҳужжатлар билан ишлаш (етказиб бериш, кўчириш, ҳисобдан чиқариш, буюртма бериш ва қайта ҳисоблаш)
9. Якуний ҳисоботлар
10. Қўшимча функциялар
 - 10.1. Маълумотларни юклаш ва чиқариш
 - 10.2. Дастурни созлаш

1. “Smartone” мобил иловаси билан танишув


“Smartone” мобил иловаси – бу тўлақонли товар ва молиявий ҳисобни амалга оширишга мўлжалланган мутлақо автоном маҳсулот саналади. Унинг асосий устунликлари орасидан қуидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- “енгил старт” имконияти: ишни бошлаш учун дастурни ўрнатиш ва сотув учун ассортиментни белгилашнинг ўзи етарли;
- интерфейснинг жўн ҳамда тушунарлилиги сабаб ишчиларни ўқитиш учун кўп вақт талаб этилмайди;
- тизимга индивидуал кириш имконияти ҳар бир ходимнинг ишини назорат қилишга ёрдам беради;
- турли ҳил чоп этиш ва солиқ ҳисоби ускуналари билан интеграциялашиш имконияти;
- биргаликда ҳисобни олиб бориш ва тармоқда яхши ишлаш мақсадида бир неча корхоналарни бирлаштириш имконияти.
- Мобил иловани ишга тушириш вақтида мамлакатни ва ишлаш учун қулай бўлган тилни танлаш лозим (1-расм):



1-расм

Шундан сўнг илова ўрнатилган янги ускуна учун ягона код генерация килинади. Кейинги иш учун техник ёрдам хизмати ушбу кодни рўйхатдан ўтказиши лозим, бу ҳақда қуидаги хабарнома маълум қиласди (2-расм):



2-расм

Ускуна рўйхатдан ўтказилганидан сўнг иловага кириш пин-код ёрдамида амалга оширилади. Даставвал 1111 кодли Кассир-ходим яратилади. Сўнгра дастурга кириши мумкин бўлган барча ходимлар учун паролларни киритиш мумкин.

Дастур билан ишлаш схемаси

Илова юклаб олинганидан сўнг бошланғич маълумотларни киритишга ўтиш мумкин. Ишни бошлаш учун ассортимент маълумотномасини тўлдиришнинг ўзи кифоя (Ассортимент). Агар илова билан бир неча ходим ишлайдиган бўлса, уларни базада яратиш ва уларнинг ҳар бири учун шахсий пин-кодни киритиш мумкин (Кассирлар).

Сотувларни расмийлаштириш учун авваламбор касса сменасини очиш лозим (Сменалар). Шундан сўнг ҳисобларни яратиш ва тўловларни қабул қилиш мумкин. Агар ассортимент бўйича қолдиқларни назорат қилиш зарур бўлса, товарлар гуруҳи бўйича тегишли белги ўрнатилади (Ассортимент) ва сотувларни расмийлаштиришдан олдин товарларнинг кирими тўғрисидаги ҳужжатларни киритиш лозим (Ҳужжатлар – Етказиб бериладиган товарлар). Дастурнинг қулай ва ўта тушунарли функцияси эвазига ҳисобни яратишдан бошлаб уни тўлаш ва ёпишга қадар бутун жараённи амалга ошириш учун кўп вақт талаб этилмайди.

Иш кунининг сўнгигига келиб асосий шаклдаги маълумотлар ёрдамида кирим ва кассадаги суммани таққослаб кўриш, зарурат туғилганда,

инкасацияни амалга ошириш ва касса сменасини ёпиш мумкин. Онлайн режимда касса сменаси ва чеклар бўйича барча маълумотлар автоматик равишда серверга юкланади.

Фискал ядро билан ишлашда ҳисоб ёки сменани ёпгандан сўнг фискал чек ёки z-ҳисобот автоматик тарзда чиқариб берилади. Шунингдек, босма шакллар шаблонларини чоп этиш ва созлаш учун “Smartone” иловаси кўшимча чоп этиш устаси билан ишлаш имконини тақдим этади.

Бундан ташқари, иловада етказиб бериш, ҳисобдан чиқариш ва кўчириш ҳужжатлари, мижозлар буюртмалари ва қайта ҳисобга олиш ахборотномаларини киритиш имконияти қўзда тутилган (Ҳужжатлар). Ҳужжатлар бўлими билан ишлаш тизимнинг онлайн режимига ўтишини назарда тутади.

Фаолият натижаларини таҳлил қилиш учун иловада ҳисоботлар (Ҳисоботлар) бўлими мўлжалланган. Барча якуний маълумотлар қулайлик мақсадида жадвал ва график қўринишида акс эттирилган. Кўплаб мезонлар бўйича корхона ишини таҳлил қилувчи батафсил ҳисоботлар булатни ечимда, шунингдек, “Smarty” иловасида тақдим этилган.


Ишнинг бошланиши

Иловага кириш учун махсус пин-код қўлланилади (3-расм):




3-расм

Илованинг асосий экранни қўйидаги кўринишга эга (4-расм):



4-расм


Биринчи бурчакда жорий ходим ва станция номи кўрсатилади. Асосий шаклга қўшилган маълумотлар эвазига мазкур касса сменасига оид молиявий операциялар, шунингдек, айни дамдаги пул қолдиқлири тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш мумкин. Сотувлар ёки қайтарилиган товарлар тугмасини босиша тўлов турлари кесимида киримлар ёки қайтарилиган товарлар суммасини кўриш мумкин (5-расм):



5-расм

Шунингдек, асосий шаклда касса сменалари ва хисоблар билан ишлаш функциялари жой олган (Сотувлар).


Юқори чап бурчакда “Smartone” иловасининг асосий функцияларидан иборат меню жойлашган (6-расм):



6-расм

Маълумотномалар. Маълумотларни киритиш

“Smartone” тизимини ўрганиш жараёнини дастлабки маълумотларни киритишидан бошлаш лозим. Биринчи ўринда бу – ассортимент маълумотномаси ҳисобланади (7-расм):




7-расм

Авваламбор товар ва хизматлар учун янги гурухни яратиш лозим. Бунинг учун менюни очиш ва **Гурух** пунктини танлаш лозим (7-расм).

Ассортиментни гурухларга бўлиш сотув вақтида барча товар позицияларининг ўзига хосликларини ҳисобга олиш (бутун миқдор билан сотиш, чегирмаларни қўллаш) имконини беради, шунингдек, база билан ишлаш ҳамда ассортимент бўйича қидириш жараёнини анча енгиллаштиради.

Ҳар бир янги гурух учун қўйидаги маълумотларни тўлдириш лозим (8-расм):



8-расм

Тўлдирилиши мажбурий **Номлаш** майдони киритилганидан сўнг гуруҳ учун куйидаги параметрларни киритиш мумкин:

Ушбу гуруҳ товарларига нисбатан чегирмалар қўлланмайди. Параметр ушбу гуруҳни ҳисоб-китоб вақтида чегирмани қўшишда иштирок этишдан тийиш имконини беради. Ушбу созлама нафақат мижозларнинг индивидуал чегирмалари, балки бошқа дисконт дастурларга ҳам тааллуқлидир.

Матрикс-код бўйича текшириш. Мазкур белги ўрнатилганидан сўнг ушбу гуруҳ позицияларини сотишида qr-кодларини ҳисобга олувчи ойна пайдо бўлади, унда партия рақами, ишлаб чиқариш санаси ва бошқа маълумотлар шифрланган бўлиши мумкин. Танлланган позиция учун тўғри маълумотларга эга qr-код ҳисобга олингандагина у ҳисобга қўшилади.

Бутун миқдор билан сотиш. Бундай созлама мазкур гуруҳдаги позицияларни сотиш вақтида миқдордаги каср қисмни киритишни тақиқлашга хизмат қиласди.

Қолдиқларни назорат қилиш. Белги ўрнатилган ҳолатда сотув вақтида тизим ушбу гуруҳдаги позициялар омборда бор-йўқлигини автоматик равишда назорат қилиш имконини беради.


Архив. Баъзи бир позицияларни сотув учун ёпиш зарурати туғилганда гурух бўйича мазкур белгини ўрнатиш мумкин. Шунингдек, архив гурухга тегишли товар ва хизматлар қайта ҳисоблашда иштирок этмайди ва товар ҳужжатларида уларнинг танлашнинг имкони бўлмайди.

Гурух учун киритиладиган солиқлар ҳажмини кўрсатиб ўтиш мумкин (9-расм):



9-расм

Маълумотларни сақлагандан сўнг гурух автоматик тарзда шаклда акс эттирилади. Бундай гурухларнинг ҳар бири учун таҳрир қилиш ва ўчириш функциялари мавжуд (10-расм):




10-расм

Бундан ташқари, гурухости бўлимларни яратиш имконияти ҳам жуда қулай саналади, у, шундай усулда, маълумотноманинг тармоқланган структурасини шакллантиришга хизмат қиласи. Бунинг учун яратилган гурухга “кириш” ва такроран **Гурух** тугмасидан фойдаланиш лозим.


Гурухларнинг ҳар бирида гурухлар ёки ассортимент позициялари бўлиши мумкин. Шундай қилиб, товар ва хизматларни фақат энг қуий даражадаги гурухларга қўшиш мумкин.

Гурухларни яраттгандан сўнг, ассортиментни киритишни бошлаш мумкин. Бунинг учун Товар тугмаси кўзда тутилган (11-расм):



11-расм

Товар ёки хизмат учун **Ном**, шунингдек, зарурат туғилғанда, **Артикул** күрсатиб үтилади. Ҳар бир позиция учун тегишли майдондан чапда жойлашган сканерлаш функциясидан фойдаланган ҳолда **Штрих-код** киритиш мумкин (12-расм):



12-расм

Шунингдек, товар учун **Ўлчов бирлиги** киритилади: уни қўлда кўрсатиб ўтиш ёки илгари киритилган бирликлар рўйхатидан танлаш мумкин (13-расм):

Карточка товара

Наименование товара
Лук

Единица измерения
Кг

Цена продажи
60

Штрих-код


Артикул

✓ ✘

13-расм

Товар ёки хизмат учун маълумотномада Сотув нархи кўрсатиб ўтилади. У иловани созлаш вақтида танланган мамлакатга тегишли валютада белгиланади.


Шаклнинг пайтки панелида маълумотнома билан ишлашга мўлжалланган тутмалар жой олган (14-расм):



14-расм


Биринчи ўринда бу – ассортиментни қидириш жараёнини соддалаштиришга мүлжалланган функция саналади. Ном бўйича қидирув регистрация жараёнига тааллуқли саналмайди ва қидирув учун киритилган тимсолларни ҳам ҳисобга олади.

Бундан ташқари, товарларни пастки панелда қидириш қулай бўлиши учун штрих-кодлар сканери жойлашган (15-расм):



15-расм

Куйидаги тугма маълумотноманинг энг юқори даражасига тез ўтиш имконини беради (16-расм):



16-расм


Иловада ассортиментниxlsx дан танлаш имконияти кўзда тутилган (Кўшимча функциялар – Маълумотларни юклаш-чиқариш).

Таъкидлаб ўтиш лозим, онлайн режимга ўтишда кассадаги ассортимент маълумотномаси учун фақат қидирув функцияси қолади, маълумотларни киритиш ва таҳрир қилиш эса web-сервисда амалга оширилади.

Бошланиши учун ассортиментни тўлдириш жараёни муҳим ва етарли саналади. Қолган маълумотларни киритиш мажбурий эмас, аммо бу иш жараёнини созлашга ёрдам беради.


Кассирлар

Ушбу маълумотнома дастур билан ишлайдиган ходимлар реестридан иборат бўлиб, уларнинг ҳам бири учун кириш хуқуқини индивидуал тарзда созлаш мумкин. У қуйидаги кўринишга эга (17-расм):



17-расм

1111 кодли Кассир-ходим иловани ўрнатиш вақтида тизим томонидан автоматик равишда яратилади. Ушбу маълумотларни ўзгартириш, шунингдек, “+” тугмаси ёрдамида янги ходимларни киритиш мумкин (18-расм):



18-расм

Янги ходим учун зарурий майдонлар – **Исм ва Фамилия** кўрсатиб ўтилади, шунингдек, иловага кириш учун **Пин-код** ўрнатилади. Сўнгра унинг учун кириш хуқуқини созлаш мумкин:

Сотув суммасини таҳрир қилиш хуқуқи. Ходимнинг нарх ёки суммани ўзгартириш хуқуқи.

Аналитикани кўриб чиқиш хуқуқи. Ходимга хисоботларни кўриш имконини беради.


Созлаш хуқуқи. Ушбу белги ўрнатилган бўлса, фойдаланувчи менюнинг Тизимни созлаш пунктига кириши мумкин.

Қайтариб олиш ва корреция хуқуқи. Ходимга қайтариб берилган товарлар ва корреция ҳужжатларини яратиш имконини беради.

Киритиш ва инкасацияни амалга ошириш хуқуқи. Иловагакиритма ва инкасацияларни киритиш хуқуқини беради.


Касса сменалари

“Smartone” иловасида ишлаш касса сменаларига бўлишни назарда тутади. Янги сменани очиш ёки жорий сменани ёпиш учун шаклнинг асосий панелида тегишли тугмалар қўлланилади (19-расм):




19-расм

Сменани ёпишда дастур фойдаланувчидан инкасация зарур-зарур эмаслигини аниқлаб олади, шунингдек, ёпилмаган чеклар бўлса, уларни янги сменага кўчиришни таклиф этади (20-расм)




20-расм

Сменани очгандан сўнг ҳисобларни киритишни бошлаш мумкин (21-расм):



21-расм


Ҳисобни яратиш шакли қуйидагича кўринишга эга (22-расм):



22-расм

Шаклнинг устки қисми ҳисобга киритилиб бўлган позициялардан иборат бўлиб, пастки қисми эса ассортиментнинг барча гурухларини акс эттиради. Ҳисобга янги позицияни киритиш учун товарларнинг тегишли гурухини топиш ва унда керакли позицияни топиш мумкин. Ассортиметнинг жорий гурухидан чиқиш учун экраннинг ўртасидаги тугма босилади (22-расм).


Бундан ташқари, товарларни танлаш учун қидиув тутгасидан фойдаланиш ҳам мумкин (23 расм):



23-расм


Қидиув нафақат ном, балки артикулга кўра ҳам амалга оширилади.

Позицияларни ҳисобга қўйиш учун шаклнинг қуйи панелида жойлашган штрих-код сканеридан фойдаланиш ҳам мумкин (24-расм):




24-расм

Позиция ҳисобга киритилиши биланоқ экранда тегишли хабар пайдо бўлади (25-расм):




25-расм

Ҳисобнинг ҳар бир қайдини таҳрир қилиш (уни босиш орқали) ёки ўчириш (тегишли тугмани босиш орқали) мумкин (26-расм):



26-расм

Таҳрир қилиш режими товар миқдорини ва, фойдаланувчида тегишли ҳуқуқ мавжуд бўлган тақдирда, нарх ёки суммани ўзгартириш, шунингдек, чегирмалар ўрнатиш имконини беради (27-расм):



27-расм

Суммани таҳрир қилиш вақтида фойдаланувчига қайта ҳисоблаш йўналиши таклиф қилинади: янги сумма ва миқдордан келиб чиқсан ҳолда нархни қайта ҳисоблаш ёки аксинча (28-расм):

The calculator screen displays the following information:

- Количество (Quantity): 1
- что пересчитывать? (What to recalculate): Цена (Price)
- цена (Price): 30.00
- скидка %: (Discount %): 14.29
- сумма: (Total): 30

The numeric keypad shows the following layout:

1	2	3
4	5	6
7	8	9
.	0	⬅

Buttons at the bottom: ✖ (Delete), ✓ (Accept).


28-расм

Барча зарурий товар ва хизматлар ҳисобга қўшилганидан сўнг тўловни киритишга ўтиш мумкин (29-расм):

The calculator screen displays the same information as in 28-расм, but the 'Calculate' button (green with a checkmark) is highlighted.


29-расм

Мазкур тугма тўловни қабул қилишга мўлжалланган шаклни очади (30-расм):




30-расм

Тўловни киритиш учун тўловнинг таклиф этилган типларидан бирини танлаш етарли (31-расм):




31-расм

Шунингдек, қиман тўловни яратиш учун **Қабул қилинди** майдонида тўлов суммасини ўзгартириш мумкин (32-расм):




32-расм

Шаклнинг устки панели киритиб бўлинган тўлов ҳамда ҳисоб бўйича қолган сумма тўғрисидаги маълумотни тақдим этади (33-расм):




33-расм

Тўловни киритиш учун бир хил номдаги тугмани босган ҳолда ҳисоб бўйича чегирмани белгилаш мумкин (34-расм):



34-расм


Чегирмани нафакат фоизли, балки миқдорий ифодада кўрсатиб ўтиш, шунингдек, **Мижоз картасини сканерлаш** тутмасини қўллаган мижознинг индивидуал чегирмасини қўллаш мумкин (35-расм):



35-расм

Телефон / e-mail майдони электрон чекни юбориш мақсадида харидор тўғрисидаги маълумотни киритиш имконини беради.


Ҳисоб учун тўлиқ тўлов амалга оширилганидан сўнг уни чоп этиш ва ёпиш мумкин (36-расм):



36-расм


Фискал ядро билан ишлаш ҳолатида ҳисобни ёпиш вақтида фискал чек, агар чоп этиш устаси ўрнатилган бўлса – белгиланган шаблон бўйича чек чоп этилади. Бундан ташқари, чоп этишни созлашнинг аралаш вариантидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Янги ҳисобни яратиш учун тўғридан-тўғри жорий ҳисоб шаклидан тегишли тутмани қўллаш мумкин (37-расм):




37-расм

Жорий касса сменаси бўйича барча ҳисобларни ҳисоблар реестрида кўриб чиқиши мумкин. Уни шаклнинг пастки панелидаги тугма ёрдамида очиш мумкин. (38-расм):



38-расм

Хисоблар реестри шаклида барча ёки фақат очик хисобларни кўриш учун иккита илова кўзда тутилган (39-расм):




39-расм

Тегишли тугмани қўллаган ҳолда (агар хисоб ёпилмаган бўлса), хисобни таҳрир қилиш режимига ўтиш мумкин.

Шаклнинг қуий қисмида ҳар бир илова учун чекларнинг умумий микдори қўрсатиб ўтилган (38-расм). Шунингдек, хисоблар реестридан янги хисобни яратиш мумкин (38-расм).


Тегишли ҳуқуқларга эга бўлган тақдирда ходим қайтариб берилган товарлар худдатларини расмийлаштириш имкониятига эга (40-расм):



40-расм


Қайтариб бериш пунктини факат ўтган касса сменалари асосида яратиш мумкин (мазкур смена ҳисоблари учун бекор қилиш операцияси кўзда тутилган).

Даставвал қайтариб беришни расмийлаштириш учун тегишли ҳисобни топиш лозим. Буни қидирув ёрдамида (чек санаси ва рақами бўйича) ёки ҳисобнинг qr-кодини сканер қилувчи қурилма ёрдамида амалга ошириш мумкин (41-расм):




41-расм

Зарурий ҳисоб топилганидан сүнг қайтариб бериш учун баъзи позициялар ёки бутун ҳисобни (**Барчасини қайд этиш**) қайд этиб ўтиш мумкин:



42-расм


Шунингдек, қайдлардан бирини босган ҳолда қайтариб берилган товарлар учун миқдорни белгилаш мумкин (43-расм):



43-расм


Инкасациялар / киритмалар

Инкасация ва киритма хужжатларини яратиш учун илованинг асосий панелида тегишли тугмалар кўзда тутилган (44-расм):



44-расм

Операцияларнинг ҳар бири учун суммани киритишнинг ўзи кифоя (45-расм):




45-расм

Хужжатлар билан ишлаш

Хужжатлар бўлими етказиб берилган товарлар, ҳисобдан чиқариш ва кўчириш юхатлари, шунингдек, харидорлардан келган буюртмалар ва қайта ҳисоблаш хабарномалари билан ишлашга мўлжалланган. Илова орқали хужжатлар билан ишлаш онлай режимини ёқиши кўзда тутади ва кассирларга ўз иш жойидан мустақил равишда юхатларни киритиш, шундан сўнг уларни серверга юклаш имконини беради, бу товар ҳисобини олиб бориш жараёнини анчайин енгиллаштиради.

Юқорида санаб ўтилган барча хужжатлар бир хил кўринишга ҳамда ва яратиш, таҳрир қилиш ва филрлашнинг бир хил алгоритмига эга. Шу сабабли, мазкур бўлимда хужжатлар билан ишлаш жараёнининг умумий тамоили кўриб чиқлади.

Хужжатлар реестри қуйидаги кўринишга эга (46-расм):



46-расм

Хужжатларнинг ҳар бири бўйича рақам, сана ва сумма кўрсатиб ўтилади. Янги юхатни яратиш учун шаклнинг пастки панелида тегишли


тугма қўлланилади (46-расм). Шунингдек, тегишли тугмаларни босган ҳолда юкхатни ўзгартириш ёки ўчириш мумкин (46-расм).

Хужжатнинг ҳар бир тури учун (етказиб бериш, қўчириш, ҳисобдан чиқариш ва буюртмалар) реестрда фильтрация учун баъзи бир параметрларни белгилаш учун тугма жой олган (мазкур тугмани такrorан босиш шаклни параметрлари билан бирга ёпади) (47-расм):



47-расм

Фильтр шакли қуидагича кўринишга эга (48-расм):\



48-расм

Бундай фильтрларнинг ҳар бирида фақат янги ёки серверга юбориб бўлинган хужжатларни акс эттириш мумкин. Шунингдек, реестрда фақат маълум бир санадан бошланган хужжатларни қолдириш мумкин.


Хужжатларнинг баъзи бир турлари учун бошқача ҳолатлар ҳам қўлланилиши мумкин, улар алоҳида кўриб чиқилади.

Қулайлик мақсадида барча хужжатлар жорий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда турли ҳил рангларда белгиланади. Бу юхатлар реестрида тезроқ мувофиқлашиш имконини беради.

Параметрлар ўрнатилганидан сўнг пастки ўнг бурчакдаги тугма шаклда фақат тегишли хужжатларни қолдиради (48-расм).

Янги юхатни яратиш учун **Янги** функцияси қўлланилади (хужжат туридан келиб чиқсан ҳолда етказиб бериш, қайтариш, кўчириш, буюртма бериш ёки қайта ҳисобдан ўтказиш).

Хужжатни киритиш шаклида қўйидаги маълумотлар акс этади (49-расм):




49-расм

Сана. Жорий юкхат санаси (яратиш вақтида жорий сана акс этади). Харидорлардан тушган буюртмалардан бошқа майдондаги бошқа маълумотларни таҳрир қилиб бўлмайди.

Қайднома. Ҳужжатга оид қўшимча ахборотни киритиш мумкин.

Ҳужжатларнинг баъзи бир турлари учун бошқа киритиш майдонлари ҳам мавжуд, улар бунай ҳужжатларнинг ҳар бири учун алоҳида қўриб чиқилади.

Ҳужжат сарлавҳаси сақлаб қўйилганидан сўнг у реестрда автоматик равища акс этади. Кейинчалик тўлдириш учун юкхатга бир марталик босиш орқали “кириш” мумкин (50-расм):



50-расм

Шаклнинг устки қисмида жорий ҳужжатнинг рақами ва санаси, шунингдек, устки ўнг бурчакда унинг тури акс этади. Ҳисобни тўлдириш каби, товарларни киритиш учун ном ёки артикул бўйича қидиувдан ёки штрих-кодни сканерлашдан (шаклнинг пастки қисми) фойдаланиш мумкин. Позициялардан ҳар бирини таҳрир қилиш (устига босиш орқали) ёки ўчириш (тегишли тугмани босиш орқали) мумкин.


Таҳрир қилиш шаклида товар позициясининг миқдори ва нархини ўзгартириш мумкин (51-расм):



51-расм

Сўнгра юкхат шаклларидан ҳар бири кўриб чиқилади:

Етказиб бериш. Ҳужжатларнинг ушбу тури кирим юхатларини яратишга мўлжалланган. Етказиб бериш реестрида қўшимча параметр фильтрда пайдо бўлади (52-расм):



52-расм

Ушбу ҳолатда маркировка тизимида тасдиқланган юхатлар кўк ранг билан белгилаб кўрсатилади (маркировка тизими учун параметрлар созламаларда кўрсатилади – Созлама).

Шунингдек, етказиб берувчи ташкилотни киритиш учун қўшимча майдон пайдо бўлади. Ушбу майдоннинг қиймати **Етказиб берувчи** ташкилот типи ўрнатилган ташкилотлар орасидан танланади (Ташкилотлар маълумотномаси “Smartone” булатли ечимида жой олган) (53-расм):

На дату
30-05-2020

Поставщик
ooo груп


Примечание



53-расм

Етказиб берувчига қайтариб бериш. Кирим юхатларини қайтаришни расмийлаштириш учун хужжатлар реестри. Шакл етказиб бериш хужжатлари шакли билан ўхшаш саналади.

Кўчириш. Товарларни бир омбордан илованинг созламаларида кўрсатиб ўтилган бўлинмага кўчирилишини амалга оширувчи хужжатлар. Бундай хужжатларнинг ҳар бири позициялар кўчириладиган омбор бўлинмасини киритишга мўлжалланган майдондан ташкил топган (54-расм):




54-расм

Кўчирмаларни қайтариш. Мазкур шакл жорий омбор бўлинмасидан танланган омборга қўчириш-қайтаришни амалга ошириш имконини беради. Шакл кўчириш хужжати шакли билан ўхшаш саналади.

Ҳисобдан чиқариш. Шакл ҳисобдан чиқариш хужжаталрини яратишга мўлжалланган. Қайдномада ҳисобдан чиқариш сабабини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Қайта ҳисобга олиш. Касса станцияларининг ҳар бирида товарларнинг омбордаги асл қолдигини киритиш мумкин. Бутун ахборон онла йн режимида серверга юкланиши мумкин, унда кейинчалик ахборотном ҳисоб-китоб қилинади ва харжат ва камомадлар акс эттирилади. Қайта ҳисоблашни амалга ошириш учун хужжат “қалпоги”да мазкур станция учун омбор бўлинмаси кўрсатиб ўтилади (55-расм):



55-расм

Хужжатни тўлдиришда товарни кўрсатиб ўтиш (қўлда, қидиув ёки штрих-кодни сканерлаш ёрдамида) ва, тугмани босиш орқали, унинг оббордаги микдорини ўрнатишнинг ўзи кифоя (56-расм):

Нº от 30-05-2020
Переучет
260.00 ₽

Картофель(кг)	2	삭제
Огурцы(кг)	4.5	삭제

Картофель, 38.00₽ за 1кг Лук, 40.00₽ за 1кг
Огурцы, 45.00₽ за 1кг Помидоры, 55.00₽ за 1кг

Картофель, кг

количество

- 3 +


1	2	3
4	5	6
7	8	9
.	0	✖

×

✓


56-расм

Товарни тушириш хужжатлари. Мазкур шакл мижозлардан тушган дастлабки буортмаларни шакллантиришга мўлжалланган, шунингдек, онлай-режимда ишлашни назарда тутади (57-расм):



57-расм

Буортмаларни яратиш ва таҳрир қилиш бошқа ҳужжат турлари каби амалга оширилади. Бироқ, буортмалар реестри учун бироз бошқача фильтр қўлланилади (58-расм):




58-расм

Расмда кўрсатилганидек, фильтрда буюртма хужжатларининг қуидаги ҳолатлари мавжуд:


- янги хужжатлар;
- тушириш учун: серверга юклаб бўлинган хужжатлар;
- тушириб бўлинган: улар бўйича чек яратиб бўлинган хужжатлар.

Янги буюртмани яратиш учун буюртма санасини танлаш ва харидорни кўрсатиб ўтиш зарур (59-расм):



59-расм

Нафақат жисмоний (Харидорлар маълумотномаси), балки юридик (Ташкилотлар маълумотномаси) ҳам харидор бўлиши мумкин. Агар харидор базаги киритилиб бўлган бўлса, уни телефон рақами ёки почта манзили орқали топиш мумкин, бунинг учун унинг типини (юридик ёки жисмоний шахс) кўрсатиб ўтган ҳолда юкори чап томонда жойлашган тутма ёрдамида тегишли майдонлардан бирини тўлдириш лозим (59-расм). Агар мижоз базада бўлмаса, у буюртмани салаш вақтида яратилади (пастки ўнг бурчакдаги тутма). Шундан сўнг буюртма таркибини киритишга ўтиш мумкин (60-расм):




60-расм

Илгари ишга жүннатилған буюртмаларни тушириш мүмкин. Бунда базада тегишли чек яратылади.

Хисоботтар


Ишнинг натижасини исталган вақтда қулай ва тушунарли кўринишда қабул қилиш мумкин (61-расм):



61-расм

Хужжатлар шакли маълум давр учун сотувлар суммаси, бундан ташқари, тўлов турлари кесимида тушган пул воситалари тўғрисидаги маълумотни тақдим этади. Шаклининг пастки қисмида статистикани кўриши учун исталган даврни кўрсатиб ўтиш мумкин. Давр танланганидан сўнг фильтр тугмасини босиш лозим (61-расм).

Тўлов турлари кесимида сотувлар ҳажмини жадвал кўринишда акс эттириш учун қуйидаги расмда қайд этилган тугмадан фойдаланиш лозим (62-расм):



62-расм

Шунда экранда қуидаги шакл пайдо бўлади (63-расм):

Отчеты			
Наличными	Картами	Бонусами	Другое
30-05-2020			
435.00	278.00	0.00	0.00
Итого: 713.00			
02-06-2020			
95.00	0.00	0.00	0.00
Итого: 95.00			
ВСЕГО:			
530.00	278.00	0.00	0.00
Итого: 808.00			


63-расм

Батафсилроқ таҳлил учун “Smarty” иловаси, шунингдек, корхона фаолиятини турли ҳил омиллар бўйича таҳлил қилувчи кўплаб хисоботлардан иборат булутли ечимдан фойдаланиш мумкин.

Қўшимча

xlsx дан ассортиментни юклаш. “Smartone” иловаси “Excel” файлидан бутун ассортиментни юклаб олиш имконини беради. Бунинг учун юклашга


мўлжалланган файлни танлаш ва ҳар бир excel-файл устунларвнинг маълумотлар базасидаги майдоналарга мутаносиблигини кўрсатиб ўтиш лозим (64-расм):



64-расм

Шунингдек, юклаш зарур бўлмаган сатрларни кўрсатиб ўтиш ҳам мумкин (бқари ва пастдан ўтказиб юбориш). Товарлардан бири учун базада мавжуд артикулли сатрни юклаш вақтида, **Артикул бўйича ягоналик** белгисини ўрнатиш мавжуд товар позициясини файллаги маълумотлар билан алмаштириш имконини беради. Агар белги ўрнатилмаган бўлса, базага худди шундай артикулли яна бир позиция қўшилади.


Ассортиментни xlsx га чиқариш. Шунингдек, иловада ассортиментни базадан “Excel” форматидаги файлга чиқариш мумкин. Чиқаргандан сўнг чиқарилган файлнинг жойлашуви тўғрисидаги ахборотдан иборат модал ойна пайдо бўлади (65-расм):



65-расм

Тизимни созлаш

Менюнинг **Тизимни созлаш** пунктини тегишли кириш ҳуқуқига эга фойдаланувчилар ишлатиши мумкин. Шакл қулай интерфейсни яратиш ва илова ишланиш учун умумий параметрларни ўрнатишга мўлжалланган (66-расм):



66-расм

Мазкур шаклда жорий иш старнцияси ва тегишли бўлинманинг номини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Штрих-кодлар билан ишлаш ҳолатида ишлатилаётган сканер учун префикс ва постфикс ўрнатиш лозим.

Бундан ташқари, жорий иловада маркировка тизими учун созламалар (товар верификацияси учун сўровномалар, шунингдек, ушбу тизимда авторизация параметрлари юбориладиган сайт) белгиланади.

Online-режим. Белги mijoz-server режимида ишлаш ҳамда маҳсус булутили сервисга кириш имконини тақдим этади, бу тўла товар ва молиявий ҳисобни кўзда тутади.

Фискал принтер режими. Мобил илованинг фискал регистратор – ташқи касса модули ва фискал маълумотлар оператори – сифатида ишлаш эҳтимоли мавжуд.

Ассортиментни гурухлаш. Мазкур параметр ҳисобга қўшилган товар ва хизматларни гурухлаш, бир хил позициялардан ҳар бири бўйича миқдорни жамлаш имкони мавжуд-мавжуд эмаслигини кўрсатишга хизмат қиласи.